

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ - ГУМАНИТАР ФАНЛАР

2/2013



ИНДЕКС 1025



кўриш мумкин. Масалан, ўзбек тилида: чўгнинг устидаги қумғон қайнайди, гап қайнайди; итчоқни қайрамоқ, икки ёши бир-бирига қайрамоқ.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, тилда баён этилаётган фикрнинг эмоционаллигини таъминлашда лисоний ва нолисоний омиллар муштарак холда иштирок этади. Лисоний воситалар ролининг кучайиши нолисоний омилларнинг маълум даражада сусайишига, нолисоний омилларнинг кучайиши эса лисоний воситалар вазифаларининг сусайишига олиб келади.

Адабиётлар

1. Значковская О.О. Концептуализация положительных эмоциональных состояний «радость» (joy) и «надежда» (hope) в современном английском языке. Автореф.дисс.кан.фил. н. -М., 2008.
2. Апресян В.Ю. Опыт кластерного анализа: русские и английские эмоциональные концепты// Вопросы языкознания. –М.: Наука, №1. 2011.
3. Вежбицкая А. Семантические универсалии и описание языков. –М.: Языки русской культуры, 1999. Гак, В.Г. К эволюции способов речевой номинации// Вопросы языкознания. –М.: Наука, 1985, №4.

Абжалова М.А., ЎзМУ

Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрирлашда услуг масаласи

В статье рассматриваются вопросы создания систем автоматической обработки текста на узбекском языке, которые на сегодняшний день являются основной задачей специалистов. Одна из таких систем - это автоматический анализатор узбекских текстов. Система анализирует тексты узбекского языка в рамках научных, деловых и публицистических стилей. Отмечаются также причины выбора данных стилей.

Creation of automatic text processing in the Uzbek language - in the present day is the main task of experts. One such system is the automated analyzer Uzbek texts. At the beginning, the system aims to analyze the texts of the Uzbek language in the academic, business and journalistic style. In this article, the reason for such a decision.

Таянч сўз ва иборалар: тил, матн, маълумот, тил-инсон-матн, расмий услуг, шакл, матнни қайта ишлаш, автоматик қайта ишлаш, илмий услуг, аффикс, шаклни ўзгартирувчи, таҳрир, бадий матн, лингвистик таълимот, электрон лугат.

Опорные слова и выражения: язык, текст, информация, язык-человек-текст, официальный стиль, форма, обработка текста, автоматическая обработка, научный стиль, аффикс, изменяющий форму, редактировать, художественный текст, лингвистическая теория, электронный словарь.

Key words: language, text, information, language- person- text, formal style, shape, word processing, automatic processing, scientific style, affix that changes shape, edit, fictional text, linguistic theory, electronic dictionary.

Бизга маълумки, тил – маълумот манбаи, маълумот эса (тилнинг ёзма шаклида) матнда намоён бўлади. Матн ўз навбатида тил бирликларининг грамматик жиҳатдан шаклланишидан юзага келади. Демак, тил ва матн ахборот алмашувининг ёзма шаклида бир-бирини тақозо этувчи воситалар ҳисобланади (“ТИЛ↔МАТН”). Шунингдек, тил хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма шаклда бўлсин, мулокот манбаи ҳисобланади. Бу бизга маълум. Ягунова Е.В. табиий тилнинг ҳар бир фойдаланувчиси ёзма тилдан фойдаланиш кўникмасини эгалласа (оғзаки тил қаторида) ва бир тилдан иккинчи тилга (бир коддан иккинчи кодга) мулокот талаби билан ўта олиш кобилиятига эга бўлса уни билинг деб аташ ҳакли, дейди [1]. Кўринадики, “ТИЛ↔ИНСОН” боғлиқлиги мухим ўрин тутади. Юқоридаги фикримиз билан бирлаштирганда “ТИЛ↔ИНСОН↔МАТН” боғланиши юзага келади, яъни тил имкониятлари инсон орқали юзага чиқади, инсон маълумотларни мулокот воситасида етказади, маълумотлар матнда сакланади ва матн орқали намоён бўлади. Бир табиий тилнинг минглаб фойдаланувчиси ва уларнинг ҳар бирида турли хил маълумотларни бошқаларга етказиш максади бўлади. Шу боис бир тилда яратилган матнлардаги маълумотлар тури ва даражасига қараб бир-биридан услугуб жиҳатидан фарқланади.

Кейинги пайтларда жаҳон компьютер лингвистикаси (КЛ)да матнга автоматик қайта ишлов беришнинг ҳам илмий назарияси, ҳам амалий натижаси устида кенг кўламли ишлар килинмоқда. Жумладан, матнни автоматик тушуниш, машина таржимаси, матнни рефератлаш (гиперматнни асосий мазмунни ўзига жойлаган миниматнга келтириш, яъни матн ҳажмини кискартириш ва ундан киска баён олиш), таснифлаш (мавзу, услугуб ва жанр жиҳатидан яқин матнларни гурухлаш), матнни таҳрир ва таҳлил қилиш, матнни генерациялаш (бир нечта табиий тилга оид ҳужжатли матнлардан формула, техник ишланмалар, дастурий тизимларни йигиш), матндан маълумотни олиш, оғзаки нутқни аниқлаш ва синтез қилиш каби долзарб масалалар КЛнинг мундарижасини эгаллаган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жаҳон КЛда ушбу масалаларнинг амалий ишланмаси сифатида уларнинг дастурий таъминоти яратилган ва бугунги кунда уларнинг мукаммал варианtlари устида жиддий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбек КЛда ҳам таҳсинга сазовор ишлар қилинаётгани кувонарли ҳол. XX асрнинг сўнгти йилларида алоҳида йўналиш сифатида юзага келган, асосан, назарий тадқикотлар билан чегараланган ўзбек КЛда бугунги кунда дастурий тизимларни яратиш максадида лингвистик таъминотлар ишлаб чиқилмоқда: матнларни овозлаштириш, гал бўлакларини автоматик аниқлаш, матнларни автоматик таҳрирлаш, машина таржимаси, ўзбек тилининг электрон лугатларини яратиш шулар жумласидандир.

90- йилларнинг охиirlарида ўзининг илмий ва амалий аҳамиятини топган автоматик таҳрир масаласи бугунги кунда деярли барча тиллар камровини ўз ичига олмоқда. Жумладан, ўзбек тилидаги матнларни инсон

томонидан эмас, балки компьютер воситасида қиска вақт ичида морфологик, синтактик ва семактик жиҳатдан таҳрир килинишига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормокда.

Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрир килиш дастурини яратишида, албатта, тилшунослар томонидан яратиладиган лингвистик маълумотлар базаси муҳим аҳамиятга эга. Лингвистик базанинг яратилишида миллий тилнинг функционал услублари эътиборга олиниши даркор. Чунки тил услублариаро хилма-хиллик, бир-биридан фарқланувчи хусусиятлар лингвистик таъминотнинг тўлиқ ва мукаммал шаклда қиска вақт ичида дастур процессорига етказилишига тўсқинлик киласди. Бу, асосан, илмий, расмий ва оммабоп услубларнинг сўзлашув ҳамда бадиий услублардан вазифа ҳамда хусусиятлари жиҳатидан факланишида кўринади.

Сўзлашув услуби майший мулоқотдан иборат бўлиб, унда шева, жаргон, арго, варваризм, вулгаризм кабиларни ўз ичига олган тил қатлами етакчилик қиласди. Шу боисдан сўзлашув услуби таҳрир дастурининг лингвистик таъминотида ўз ўрнига эга эмас.

Бадиий услуг ранг-барангликка эга. Унда миллий тилнинг барча тасвир воситалари ва ҳодисалари намоён бўлади. Ҳаттоқи, шеърий матнларни хисобга олмаганда ҳам, кўпгина бадиий услубдаги матнларни бир хил хусусиятлар бўйича тузиш қийин. Бадиий услубдаги матнларда маълумот ташиш вазифаси йўқ бўлиб, улар, асосан, эстетик вазифани бажаради. Расмий, илмий ва публицистик услублардаги матнлар асосида маълумот ётади. Мисол сифатида қонун, шартнома, фармон, фармойиш матнлари (юридик кучга эга бўлган ва тўғри маънода тузилган)ни, газета, журнал, илмий нашрларни санааб ўтишимиз мумкин. Ушбу уч услубнинг функционал хусусиятлари деярли бир хил, яъни бундай матнларда аниклилик, қисқалик, мантикий изчиллик етакчилик қиласди. Аммо таъкидлаш ўринлики, расмий услуг бошқа услубларга нисбатан қатъий лингвистик талабларга бўйсунади ва амал қиласди. Куйида ўзбек тилидаги мантларни таҳрир қилиш дастурининг қайси услубдаги матнларни таҳрир қилишга мўлжалланганигининг сабаблари ёритилади.

Расмий услубнинг ёзма шаклида қонун матнлари, буйрук, фармойиш, фармон каби расмий иш қофозлари, дипломатик шартномалар ва бошқа ҳуқукий ҳужжатлар ёзилади. Демак, ушбу ҳужжатлардаги баён қилинган фикр иш қофозининг нуткини ташкил қиласди.

Расмий услубдаги матнлар ноаниклидан йирок бўлиб, фикрлар содда, аник мазмунда ва тушунарли қилиб ёзилади: *Давлат ҳатқи иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдорлар*. (ЎзР Конституцияси, 2- модда).

Расмий услубда ёзилган ҳужжатлардаги муҳим ҳолат шуки, уларда тайёр, формулага кириб қолган, андозаланган жумлалар ишлатилади, ўзига хос ифодаларига эга: *буораман, юклатигисин, маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ҳолати, фуқаролик жавобгарлиги, айбдор, гумондор, жабрланувчи, белгиланади, асосланади, ҳисобланади, ҳимоя қилинади, амалга оширади, тан олинади, иши кўради, адо этади, кафолатланаади, тақиқланади, тавсия этади, жамоат кафилиги, суриштирув, жабрланувчи билан яратиўв* ва бошқалар.

Шунингдек, хужжатларда янги лексема (неологизм)лар кўлланилмайди, агар терминологик маънода бўлса, улар умумистеъмолдаги содда лексемалар билан адмаштирилади. Фразеологизмлар, тарихий сўзлар ишлатилмайди. Улар фикрни аник англаб олишда кийинчилик тугдиради. Кисқартма сўзлардан фойдаланилганда, айниқса, ташкилот, корхона номларини ишлатишда эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Ушбу услугуб учун жаргонлар, оддий сўзлашувга хос лексемалар, эмоционал-экспресив бўёкка эга лексемаларнинг ишлатилиши меъёр саналмайди ва шу жиҳати билан бошқа услублардан кескин фарқ қиласиди.

Расмий услубнинг грамматик меъёрларидағи муҳим жиҳат шуки, сўзшакллар морфемик қоида асосида (**асос+сўз ясовчи аффикс+луғавий шакл ясовчи аффикс+синтактик шакл ўзгартирувчи аффикс: буюр+уқ+лар+даги=буйруқлардаги**) ёзилади. Бу эса дастурнинг лингвистик модулларини яратишда **уйларимдагиларим, эгниларимда, болаликдагиларимни** каби номеърий сўзшакллар устида тиљшуноснинг вакт сарфлаб бош қотиришидан сақлайди.

Расмий услубнинг синтактик аломатлари ҳам матнда дарҳол кўзга ташланади. Унда дарак гаплар, унинг айниқса кўшма гап шакли кўп ишлатилади. Ёйик ва мураккаб сўз биримлари маҳсулдор ҳисобланади, мураккаб типдаги номлар кенг қўлланилади. Гап тузилишида ўзбек тилидаги одатдаги меъёрга амал қилинади.

Илмий услуб илмий асарлар услубидир. Ушбу услугуб далил ва асосларга таяниш, фикрий изчилликнинг етакчилик килиши билан расмий услугуга якин туради.

Илмий услубда сўзлар бир маънода қўлланади, синонимик қатордаги варианtlардан масаланинг моҳиятини бирмунча аник ифода этадиган варианти танланади ёки нейтрал вариантини қўллаш тақозо этилади. Терминларни қўллаш бу услугубнинг асосий хусусияти саналади, шу боис таҳrir дастурнинг лингвистик таъминотини яратишда терминларга ҳам жiddий эътибор бериш талаб этилади.

Мантикий изчиллик илмий баён услубининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Илмий услугуб матннаги сўзлар, гаплар, абзацларнинг ўзаро мантикий боғланишини талаб қиласиди. Шунинг учун ҳам илмий матнларда бу изчилликни юзага келтирувчи **маълумки, маълум бўладики, таъкидлаш лозимки, таъкидлаш ўришлики, дарҳақиқат, бинобарин, шундай экан, биринчидан, кўринадики, таъкидлаш жоизки, хулоса қилиб айтганда, хулоса қилганимизда, биргина мисол** каби кўплаб боғловчи вазифасини бажарадиган лексема ва биримлар қўлланилади. Шу сабабли лингвистик таъминотда шу каби ифодалар “**тайёр ифодалар**” тарзида бир гурухга жамлаб киритилади.

Бу услубда ҳам, худди расмий услубда бўлгани каби, лексемалар кўчма маъноларда қўлланмайди, тасвирий воситалардан фойдаланилмайди. Субъектив эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ элементлари, умуман, файриадабий унсурлар кам ишлатилади. Мумкин қадар баён бир хил меъёрда ифода этилади.

Оммабоп услубда шаклланган матнлар образлилиги, таъсиричанлиги, тасвирий воситаларнинг фаол қўлланилиши билан бадий услугуга якинлашса, диалектизмлар, историзмлар, арго ва жаргонлар қўлланилмаслиги билан ундан узоклашади. Ифоданинг аниқлиги ва публицистик жанрларга хосланганлиги

хамда ижтимоий-сиёсий терминологиянинг кўлланилиши билан илмий услугба ўхшайди. Айни пайтда, ифодадаги кисқалик, лўндалик, ихчамлик, ёркинлик каби жиҳатлар хам уни илмий услуг билан ёнма-ён кўяди.

Ижтимоий-сиёсий терминлар асосан -чи, -параст, -парвар, -хона, -нома кўшимчалари ёрдамида ясалади. Мисоллар: *террорчи, қўпорувчи, ақидапараст, миллатпарвар, девонхона, божхона, ҳиссадор, тадбиркор* каби.

Шу ўринда мазкур услугда сўз ясалиш имкониятининг бошқа вазифавий услугларга нисбатан маҳсулдор эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Шунингдек, *МДХ, БМТ, НАТО, НАСА, ЮНЕСКО, ЎзМУ* каби кискартма сўзлардан фаол фойдаланилади. Шу ўринда таҳрир дастурининг графематик таҳриглаш боскичининг муҳим аҳамият касб этиши яққол кўринади.

Бадиий услуг ўзбек тили вазифавий услуглари орасида ўзига хос мавқега эга бўлиб, айни пайтда ўзининг алоҳида меъёрларига ҳам эга. Тил материалини камраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лингвистик бирликларнинг, шу билан бирга, бошқа вазифавий услугларга хос бўлган элементларнинг ҳам ишлатилавериши ва уларнинг бадиий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадиий услугнинг асосий хусусияти хисобланади.

Бадиий адабиёт тилидаги фонетик ўзгаришларнинг мавжудлиги (*Сўрма мендан, ким дилоро / Дустми ё жсанона деб. Э.Вохидов; Не балолиг кун эдиким. Ошино бўлдим санго*. Алишер Навоий; *Күёш орқасидан – беҳисоб чирог / Нурига киради мамлакат шу чоғ. Зулфия*), шунингдек, орфографик меъёр талабларига мувофиқ келмайдиган қаро, ямон, яро, ошино, тагош сингари сўзларнинг ишлатилиши лингвистик таъминотни яратишда бадиий услугни чеклаб туришга сабаб бўлади. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек адабий тилида сўз ясовчи, кўплик, эгалик, келишик, даражা, шахс-сон, замон, майл, нисбат каби маъноларни ифода этувчи аффиксларнинг нутқдаги иштирокида, ёрдамчи сўзларнинг турлича кўринишлари ва варианtlарида намоён бўлиши бадиий услугга оид матнларда кўп учрайди. Бу эса ўз навбатида:

биринчидан, аффиксларнинг ҳар бир варианти ва улар орқали ҳосил килинадиган аффикслар комбинацияси устида ишлашда кўп вактни талаб этади. Натижада, ишни якунига етказиш сезиларли даражада оркага сурилади;

иккинчидан, аффикслар комбинациясининг улкан ҳисобни ташкил этиши билан бирга дастур процессоридан катта ҳажмни ҳам талаб этади;

учинчидан, ҳосил қилинган минглаб комбинацияларнинг ҳар бири қайси лексемага бирикиши ёхуд ҳар бир лексеманинг ўша комбинациялар билан боғлана олиш ёки боғланмаслигини текширишда тилшуносдан ўта жиддийлик ва диққат-эътиборни талаб этади. Чунки ўзбек адабий тилининг олтмиш мингдан ортиқ лексемаси бўлиб, уларнинг ҳар бирини ҳосил қилинган минглаб аффиксларнинг комбинациялари билан бирика олиш хусусиятини текшириб кўриш имконсизdir.

Бундан ташқари расмий, илмий ва оммабоп услугларда грамматик шаклларнинг адабий-меъёрий варианtlари қўлланилса, бадиий услугда бу грамматик шаклларнинг барча кўринишлари – лаҳжа ва тарихий варианtlари ҳам асарнинг мавзуу талаби билан ишлатилаверади.

Бадиий услуг лексикаси ҳам алоҳида белгиларга эга. «...бошиқа функционал стиллар учун хос бўлган лексика (масалан, илмий ва расмий иш услугига хос бўлган терминлар)нинг бадиий стилда кенг қўлланылмаслиги ва фақат бадиий стилда қўлланувчи маҳсус воситаларнинг мавжудлиги бадиий стилга хосланган лексикани алоҳида ажратилига асос бўлади», дейди Э.Бегматов. Абру, албат, армуғон, базмаро, бағқимоқ, баҳористон, бода, бустон, гавҳарафион, гирён, гулбаҳор, гулистон, гулрӯ, гулисан, дебоча, дилафрӯз, дилхона, долга, дурафион, дуто, жаҳонбахш, жондош, жўшимоқ, жушқин, кабк, куйламоқ, либос, лолагун, лўливаши, майгун, мардонавор, мастона, маҳваш, маҳпора, мовий, моҳ, мужда каби хосланган сўзлар лугатларда поэтизилар номи билан юритилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бадиий услугга хос матнларда эскирган сўзлар, историзмлар ва диалектизмларнинг қўлланиши меъёрий ҳол хисобланиши боис таҳрир дастури расмий, илмий ва публицистик услугдаги матнларни таҳрир қилишга мўлжалланади. Лингвистик таъминотни мукаммаллаштириш жараёнида кейинги босқичларда бадиий услугга хос сўзларнинг ҳам киритилиши эътиборга олинади.

Адабиётлар

1. Большакова Е.И., Клышинский Э.С., Ландэ Д.В., Носков А.А., Пескова О.В., Ягунова Е.В. Автоматическая обработка текстов на естественном языке и компьютерная лингвистика : учеб. пособие. -М.: МИЭМ, 2011.
2. Каримов С. Узбек тилининг бадиий услуби. –Самарқанд., 1992.

Расурова С.С., ЎзМУ

Тоҳир Малик қиссаларида сирлилик

В статье рассматривается таинственность и неповторимый подход в привлечении читателя к событиям, происходящим в произведениях Тохира Малика.

The article considers the mystery and hidden approach to attract the reader to the events occurring in the works of Tohir Malik.

Таянч сўз ва иборалар: инсон тақдирни, сирлилик, ўкувчини жалб этиш, изкувар қаҳрамон, сержумбоқ жараён, детектив роман, жумбок ечими, воеа ривожи, ўзига ром этувчи сюжет.

Опорные слова и выражения: судьба человека, таинственность, привлекать читателя, герой-сыщик, неизвестность, детективный роман, разгадка, развитие события, захватывающий сюжет.

Key words: the fate of a man, mystery, attract the reader, the hero, detective, peradventure, detective novel , rede , the development of events, exciting plot.